



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 6 » май

№ 266

Toshkent sh.

### Сурхондарё вилоятида тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш орқали саноатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сурхондарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Сурхондарё вилояти, Кумкўрғон туманида жойлашган “Кумкўрғон таъмирлаш механика заводи” масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 25 фоиз давлат улушкини (кейинги ўринларда – давлат улushi) “Сурхон Комбинат” масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда – “Сурхон Комбинат” МЧЖ) инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали “ноль” харид қийматида сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, “Сурхон Комбинат” МЧЖга қуйидаги инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш юкланди:

икки йил давомида камида 35,0 млрд сўм миқдорида инвестициялар киритган ҳолда, ип-калавани бўяш, трикотаж, мато, сочиқ ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

камида 300 та янги иш ўринларини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган шартларда “Сурхон Комбинат” МЧЖ билан давлат улушкини “нол” харид қийматида сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилишини;

“Сурхон Комбинат” МЧЖ томонидан қабул қилинадиган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласинлар.

4. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2018 йилларда Сурхондарё вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 5 апрелдаги 182-сон қарорининг 10-бандида Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган темир йўл шифохонасининг маъмурий ва қоровулхона биносига 2018 йилнинг иккинчи чораги яқунига қадар 16,0 млрд сўм инвестиция киритиш орқали обьектда замонавий электротехника воситалари, шу жумладан телевизорлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда 80 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан уларнинг “Термиз канцелярия моллари” МЧЖга “ноль” харид қийматда сотилиши белгиланганлиги;

мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси ва “Термиз канцелярия моллари” МЧЖ ўртасида ҳамда Термиз шаҳар ҳокимлиги иштирокида 2017 йил 10 апрелда 350-сон олди-сотди шартномаси тузилганлиги;

“Термиз канцелярия моллари” МЧЖ томонидан бугунги кунда обьектда замонавий технологиялар асосида тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 апрелдаги 182-сон қарорининг 10-банди иккинчи хатбошиси куйидаги таҳrirда баён этилсин:

“Бунда обьектда замонавий технологиялар асосида тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини 2020 йилнинг иккинчи чорагида ишга тушириш белгилаб қўйилсин”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Паст рентабелли ва фаолият юритмаётган ташкилотларни жадал реализация қилиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 сентябрдаги 800-сон қарорига 1-илованинг 49-позицияси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринbosари – иктисадий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров, Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов